

ISSN 2181 - 8177

ПАРРАНДА ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ!



ЎЗБЕКИСТОН ПАРРАНДАЧИЛИГИ

ПТИЦЕВОДСТВО УЗБЕКИСТАНА

№ 01 (06)-2016

ИЛМИЙ-ОММАБОП, АХБОРОТ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ





ЎЗБЕКИСТОН ПАРРАНДАЧИЛИГИ

ПТИЦЕВОДСТВО УЗБЕКИСТАНА

УШБУ СОНДА:

Постановление Президента Республики Узбекистан.....	2
Янги тахрирдаги қонунига шарҳлар.....	4
Бройлер жўжаларни етиштириш.....	6
Кўп тармоқлининг даромади салмоқли.....	8
Ўрдак зотлари.....	10
Тухум йўналишидаги жўжаларни парвариш қилиш.....	12
Цесаркаларни парваришдан.....	14
Эзгу орзулар рўёби.....	16
Бедана боқишда нималарга эътибор бериш керак?.....	18
Куркаларни парваришда бўйича тавсиялар.....	20
Азми қатъий Султонхон.....	22
Утинное мясо.....	24
Юкуменг касалликлар.....	26
Қушлар олами.....	28
Самый популярные и продуктивные мясные голуби.....	29
Қанарейки.....	30
Ақл ва билим машқи.....	32

09.03.2016 да боснига руҳсат берилди. Оффсет усулида чоп этилди.
Қоғоз бичими 69x84 %, Юсури босма. Шартли босма табиғи: 4,2.
Навр босма табиғи: 4,3. Адади: 1000 нуска.

«NEW COLOR» МЧК да чоп этилди. Буыртма: № 203.
Босмахона мазлиди: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Тўй-гега кўчаси, 5-уй.

Тақдим этилган материаллар тахрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.
Муаллиф фикри тахрирнинг нусхаси назардан фарқ қилиши мумкин.

Мухреда Навоий ёлловидаги «Шамс Жамоат» шиллаб чиқарини мархонаси
раҳбари Ш.Жамитов ва бош хонахони Ш.Нарзиев

ЎЗБЕКИСТОН ПАРРАНДАЧИЛИГИ

Илмий-оммабон,
ахборот-маърифий журнал

№ 01(06)-2016

аппар-март

МУАССИС:

«ПАРРАНДАСАНОАТ» УЮШМАСИ
ҚОШИДАГИ
«ПАРРАНДАСАНОАТ ИМПЕКС»
УНИТАР ҚОРХОНАСИ

БОШ МУХАРРИР:
Ахмадjon РИХСИБОУВ

ТАХРИРИЯТ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:

Ақмадjon ИСАБАЕВ (раис),
Жалолиддин АЗИМОВ,
Пўлат РАХМАТУЛЛАЕВ,
Сайфиддин АЗИМОВ,
Рашид ДАҚЛАТОВ,
Собир МАВЛАНОВ,
Абдухалик А.ТИМАРДОНОВ,
Хасимжон НОРИМУХАМЕДОВ,
Мирағлам МИРСОАТОВ,
Аълим ЖАЛОЛОВ,
Рустам УМАРОВ.

Дизайнер:
Нуриддин НУРИДДИНОВ,
Рашид ГАЛИБЕВ
фотосуратларини фойдаланилди.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигининг 2014 йил 20 июлида 0839
рақами билан рўйхатга олинган.
Навр индекси: 1274.
Журнал тахририят
компьютер мархонаси саҳифаланилди.

Тахририят мазлиди:
100123, Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани, Чилангир-11,
Ширин кўчаси, 38 уй.
Телефонлар: 276-28-02,
+998(93) 535-91-92,
факс: 276-71-02.
E-mail: parranda-journal@mail.ru

СТОМАТИТ – оғиз бўшлиғи ва тилнинг яллиғланиши бўлиб, куруқ озиқалар билан боқилиш ва суянинг етишмаслиги, рацноннинг асосий қисмини унсмон озиқалар ташкил этиши, жува иссиқ озиқалар берилиши ва бошқа сабаблар оқибатида келиб чиқади. Иккиламчи сабаблари А гиповитаминоз, тил ва тумшукларнинг аномалиялари, катта ёшдаги паррандалар рацнонида кальций, фосфор ва витаминларнинг етишмаслиги бўлиши мумкин.

Белгилари: Иштаҳанинг йўқолиши, ориқлаш, оғиз шиллик пардасининг қизариши, кўтарилиши, оғриқли бўлиши, озиқани қабул қилиш ва ютишда қийналиши, оғиздан сўлак оқиши.

Даволаш. Оғиз бўшлиғи 0,1% ли калий перманганат эритмаси билан кунига 1 - 2 марта, 7 - 10 кун давомида чайқалади ва ёд-пишерни майхами суртилади.

Даволаш. Жигидон нигичка зонд ёки резина шланглар ёрдамида 0,05% ли калий перманганат, 0,1% ли этикридин лактат, 2% ли борат кислотаси, 5% ли ош содаси каби эритмалар билан ювилади. Шундан кейин паррандалар кун давомида 1% ли танин, 0,5% ли натрий салицилат ёки 0,1% ли хлорид кислотадари эритмалари билан суғорилади.

Профилактикаси: Паррандаларни тоза сув билан таъминлаш, яхши сифатли озиқалар билан озиқлантириш, товухоналарга яқин жойларда минерал ўғитларнинг сақланишига ва саноат чиқиндилари ва чиқинди суяларининг тўшанишига йўл қуймаслик лозим.

ЖИГИДОННИНГ ТИКИЛИШИ – жигидоннинг озиқа массаси билан тўлиб қолиши, унинг тоғусининг йўқолиши, тўлиқ ёки қисман тикилиши билан тавсифланади. Кўпинча товуклар, куркалар, тустовуклар, каптарлар ва катта ёшдаги жўжалар касалланади.

ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИКЛАР ҲАЗМ ТИЗИМИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ

Профилактикаси. Касалликнинг сабаблари йўқотилади. Рацнон таркиби таҳлил қилиниб, етишмайдиган минерал моддалар ва витаминлар препаратлари қўйилади. докли озиқалар майдаланган ва намланган ҳолатда берилади, паррандахоналарда санитария-гигиеник қондаларга риоя қилиниши лозим.

ЖИГИДОННИНГ ЯЛЛИГЛАНИШИ (ИНГЛУВИТ) – катта ёшдаги товук, курка, цесарка ва каптарларда кўпинча юқумли касалликларнинг асорати сифатида кузатилади.

Сабаблари: Паррандаларга узок муддат бузилган, чприган озиқалар (бузилган гўшт, балик уши, могорлаган доилар, барда ва бонкалар) берилиши, озиқаларга минерал ўғитларнинг аралашиб қолиши ҳамда паррандаларнинг чиқинди суялар билан суғорилиши, айрим ҳолларда жигидонга мих, игна, майда шаша синикларининг тушиши, минерал моддалар ва витаминларнинг етишмовчилиги касалликка сабаб бўлиши мумкин.

Белгилари: Умумий ҳолсизланиш, иштаҳанинг пасайиши ёки йўқолиши, жигидоннинг юмшак консистенцияда бўлиши, найшасланганда оғиздан чириган хидли ҳаво келиши ҳамда кўзимтир – сарғиш рангли суюқлик оқиши кузатилади. Юқумли характердаги инглувитларда (ўлат, холера) ва захарлинишларда несбаган кучли даражада холсизланиш, тож ва сирғаларнинг кўкимтир рангда бўлиши ва кўп миқдорда ўлим кузатилади.

Белгилари: Кўпинча сурункали кечади. Холсизланиш, бефарқлик, иштаҳанинг пасайиши, жигидоннинг каттиқ ёки ҳамирсимон консистенцияда бўлиши, катталашуши ва оқиниб туриши, баъзан деворининг атрофига учраган жойидан доиларнинг тўқилиши, кескин ориқлаш, анемия ва тухум беришнинг тўхташи, жигидоннинг катталашуши кузатилади. Асфикция оқибатида ўлим кайд этилиши мумкин.

Даволаш. Этиологик омиллар йўқотилади, жигидон турли дезинфекцияловчи эритмалар билан ювилади, 20 – 30 мл. кунтабоқар ёки лавелин ёғи ичирилиб, кейин жигидон оғизга йўналтирилган ҳолда массаж қилинади. Жигидон массаси дивал озиқлардин иборат бўлса, жарроҳлик йўли билан олиб ташланади ва парранда 2-3 кун давомида парҳезда сақланади.

Профилактикаси. Озиқлантириш қондаларига риоя қилиш, озиқаларни паррандаларнинг ёшига қараб танлаш, узок муддат оч қолдириб, бирданига кўп миқдорда озиқа бермаслик, паррандаларни сув билан етарли даражада таъминлаш, рацнонда витаминлар ва минерал моддалар етишмовчиликларининг олдини олиш лозим.

КУТИКУЛИТ – мускулли опкозон ички қаватининг эрозияли, ярали ёки некротик яллиғланиши билан тавсифланиб, эмбрионал даврда ва тухумлан янги чиққан жўжаларда кўп учрайди.

Белгилари: Ёш жўжаларда холсизланиш, хурпайиш, иштаҳанинг пасайиши ёки йўқолиши, баъзан

ич кетиши, ўсиш ва ривожланишдан қолдиш ҳамда ўлим ҳолатлари кузатилади. Оғир кечган ҳолларда гастроэнтерит ва сепсис ривожланади. Паррандалар мурдаси ёриб қўрилганда кутикулада қон қуйилиши, эрозиялар, яралар ва некроз ўчоқларининг бўлиши характерлидир. Катта ёшдаги паррандаларнинг травматик кутикулит билан касалланишида ошқонда ўткир ёт жисмлар топилади.

Даволаш. Гуруҳ усулида даволаш учун 7 – 10 кун давомида 0,02% ли фурацилин эритмаси эркин ҳолда бериледи.

Профилактикаси. Товуқларни озиклантириш ва инкубация қондаларига ривож қилинади. Рационда витаминлар ва минерал компонентларнинг етарли бўлишини таъминлаш, тухум берадиган товуқлар рационига қўқ беда, ўт уни, сабзи, қарам қабиларни киритиш тавсия этилади.

ЁШ ЖЎЖАЛАР ДИСПЕНСИЯСИ – Ошқон ва ичакларнинг мотор, секретор, ҳазмлаш ва сўрилиш функцияларининг бузилиши билан тавсифланади. Ҳамма турдаги ёш паррандалар, кўпроқ 1 ойликкача бўлган товуқ ва қурка жўжалари касалланади.

Белгилари. Холсизланиш, бефарқлик, иштаҳанинг пасайиши ёки йўқолиши кузатилади. Касалланган жўжаларнинг ҳўзи ёшилган, бўйни чўзилган ҳолатда бўлади. Ич кетиши касалликнинг патогномоник белгиларидан бири ҳисобланиб, тезак суяк, сарғиш – кўкимтир, оқиш ёки жигарранг, кўпик ёки шиллиқ модда ҳамда ҳазм бўлмаган озиқлар аралашган бўлади. Клоака атрофи тезак билан ифлосланади. Лаборатор ва паталогоанатомик текшириш нар ёрдамида юқумли касалликлардан (пуллароз, салмонелёз, эймериоз ва бошқалар) фарқланади.

Даволаш. Ҳамма жўжаларга 2 – 3 кун давомида кучсиз дезинфекцияловчи воситалар сифатида 0,1%-ли калий перманганат, 0,01%-ли формалин, 0,02%-ли ичимлик содаси, 0,2%-ли темир сульфат каби эритмалар бериледи. Ромашка, зверобой, тимин, дуб илдизи пастойкалари яхши самара беради. Антибиотиклар, сульфаниламидлар ва нитрофуранлар қўлланилади. Антибиотиклар озақа билан 1 бошга 5 – 10 мг ҳисобида, сульфаниламидлар 1000 бошга 10 – 40 грамм, фуразолидон 1 бош жўжага ўртача 2 – 5 мг миқдорда бериледи.

Профилактикаси. Паррандалар гуруҳи ва ёш жўжаларни озиклантириш технологиясига асосий эътибор қаратилади. Ёш жўжалар махсус тайёрланган омехта ем билан бир кунда 5 – 6 марта озиклантирилади. Рационга енгил ҳазмланувчи озиқлар (пшено, оқланган арпа, чакки, катик, ацидофилли сут зардоби) киритилади. Ёш жўжаларнинг ўн беш кундан илгари уларнинг рационига бўр, тухум лўчоғи,

чўванок каби минерал аралашмалар киритилмайди. Даволаш ва профилактик мақсадларда пробион - ацидофилли булионли култура, ацидофил булион култура (АБК, ПАБК) 1 бошга 1 - 2 мл, 3 - 5 кун давомида тавсия этилади.

ГАСТРОЭНТЕРИТ – ошқон ва ичаклар шиллик пардасининг яллиғланиши бўлиб, кўпинча қатарал гастроэнтерит билан катта ёшдаги жўжалар ва товуқлар касалланади.

Сабаблари. Бузишган, ачиган, моғорлаган озиқлар берилиши, озиқага минерал ўғитларнинг тушиши, туриб қолган сув берилиши. Гастроэнтеритлар жигилдоннинг яллиғланиши, кутикулит ёки юқумли касалликлар (ўлат, холера, пуллароз, эймериоз ва бошқалар) асорати сифатида ҳам ривожланиши мумкин.

Белгилари. Ўткир ва сурункали тарзда кечади. Кўпинча паррандаларда холсизланиш, иштаҳанинг пасайиши, тож ва сирғаларнинг кўкимтир бўлиши, мускулли ошқоннинг атонияси ва пастга осилиб туриши, жигилдоннинг қатарал яллиғланиши белгилари, ўткир ҳолда кечганда ич кетиши, тезакнинг қўланса хидли, сарғич - кўкимтир рангда бўлиши, сурункали равишда кечганда эва анемия, ичаклар атонияси, кучли ориқлаш, ичакларда газлар тўпланиши характерли бўлади.

Даволаш ва профилактикаси. Гуруҳ усулида даволашда сульфаниламид препаратлари бир бошга 0,05 – 0,1 г, 3-5 кун давомида ёки 0,01-0,05 г фуразолидон 2 – 3 кун давомида қўлланилади.

Паррандаларнинг ёши ва физиологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, тўғри озиклантириш. Янги келтирилган озиқаларни текширувдан кейин ишлатишга тавсия этиш лозим.

КЛОАЧИТ – клоака шиллик пардасининг яллиғланиши бўлиб, барча турдаги ва ёшдаги паррандаларнинг, айниқса янги тухумга кирган товуқлар ва ўрдақларнинг касалланиши кўп қайд этилади.

Белгилари. Касалликнинг дастлаки босқичларида клоака шиллик пардасида эрозияли, кейинчалик фибриноз – мембраноз яллиғланиш ривожланиб, яралар ҳосил бўлади, клоака юзасининг торайиши ёки бутунлай бекилиб қолиши кузатилиши мумкин. Клоака атрофи терисининг яллиғланиши ва тезак билан ифлосланиши, тухум беришнинг оғрикли бўлиши ёки бутунлай тўхташи қайд этилади. Паррандаларда кучли ориқлаш кузатилади.

Даволаш ва профилактикаси. Паррандалар орасида касаллик қайд этилганда ҳамма паррандаларга бериладиган ретинол, кальциферол ва токоферолнинг миқдори кўпайтирилади. Рационда оксидли озиқаларнинг ортқча бўлишига йўл қўйилмайди ва кўкат озиқалар билан бойитилади. Касал

паррандалар алоҳида жойга ажратилади, клоака тезакдан тозаланиб, шиллик пардасига ёд-глицерин ёки фурациллинли маҳкам билан ишлов берилади.

Рационда протенининг, айниқса хайвонот оламига хос оксилларнинг ортикчаллиги ҳамда кўкат ва ширани озиқаларининг етишмовчилиги бартараф этилиши лозим.

САРИҚЛИК ПЕРИТОНИТИ – тухум берадиган товукларнинг касаллиги бўлиб, перитонил парда, шевра ва ички аъзолар зардоб пардасининг яллиғланиши билан тавсифланади. Касаллик тухум саригининг қорин бўшлиғига тушиб, у жойда бузилиши, чириши оқибатида ривожланади. Тухум берадиган ёш товукларни саклаш ва озиклантириш қондаларининг бузилиши оқибатида келиб чиқади. Салпингоперитонит кўпинча тухумдоннинг яллиғланиши (оварит), тухум йўллариининг яллиғланиши (салпингит) ва тухумдон атрофияси, тухум ҳосил бўлиши аномалияси каби касалликлар билан биргаликда учрайди.

Белгилари. Кечини ўткир ва сурункали. Дастлабки кунлари ҳолсизланиш, иштаҳанинг пасайиши, тож ва сиргаларнинг кўзимтир бўлиши, баъзи паррандаларда тана ҳароратининг кўтарилиши, тухум беришнинг камайиши, кейинчалик бутунлай тўхташи кузатилади, кўпинча интоксикация оқибатида ўлим билан тугайди.

Сурункали равишда кечганда кучли ориклаш ва қориннинг катталаниши, пайпасланганда суюклик ва баъзан конкрементлар борлиги аниқланади.

Даволаш кам натижа беради, антибиотиклар ва сульфаниламидлар баъзан касаллиқнинг ривожланишини тўхтатиши мумкин.

Олдинги олин тadbирлари. Тухум берадиган товукларни меъёрлар асосида озиклантириш, рашионнинг тўйимли озиқалар, витаминлар ва минерал моддалар бўйича тўла қийматли бўлишини таъминлаш лозим. Кальций ва фосфор етишмаганда рационга бўр, рақушқа, пар ва қанотлар уни, кальций қорбанат қабилар қўшилиб, кальцийнинг фосфорга нисбати 2,5 - 3,0:1 га тенглаштирилиши лозим. Кўк ўтлар бериш, хйратни усулида парварнишлаш яхши натижа беради. Травматизмларнинг олдини олиш, товукхоналарнинг санитария ҳолатини яхшилаш, ёруғлик режимига риоя қилиш орқали салпингоперитонитларни умумий профилактика қилиши мумкин.

Равшан ДАВЛАТОВ,

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти проректори, ветеринария фанлари доктори

ЎРДАКМИ Ё БАЛИҚ?

Сиз паррандаю дарранда ёки кушларнинг жуда кўплаб турларини биласиз.

Учмайдиган кушлар турига, асосан, товуклар, пингвинсимон, туяқушсимон паррандалар ва Янги Зеландиядаги экзотик киви куши қиради. Ўрдакларни яхши биласиз ва улар одатда учадилар. Учганда ҳам баланд – баланд парвоз қиладилар. Лекин ўрдакнинг шундай тури борки, улар умуман учаолмайдилар. Бу «Бомбей ўрдаги» (Bombay duck) бўлиб, Ҳинд океани ва Ганга дарёсида кўп учрайдиган ушбу жонзотни куш деб эмас, семиз «Бомбил балиғи» деб атайдилар. Аниқроғи, у ўрдак деб ном олгани билан аслида, йирткич балиқлар синфига мансуб. Шундай бўлса-да, ушбу балиқ дунё ошхонасида тансиқ егуликлар сафидан ўрин эгаллайди ва ундан мазали таомлар тайёрлашда кенг фойдаланилади. Кўп ҳолларда уни тузлаб, қуритадилар ва қок балиқ ўрнида истеъмол қиладилар.

ГОЗЛАР ЎЗБЕКИСТОННИ ТАНЛАДИ

Сибирнинг Ямал яриморалидан учган чийилдоқ гозлар тўдасидан бир гуруҳи ажралиб чиқиб, Қора денгизга учини ўрнига кишлаш учун Ўзбекистонда қолди.

Daryo.uzнинг ёзишича, кушларга ўрнатилган GPS – навигаторлар шундай маълумот тақдим этган. Олимларнинг фикрича, бунга шимолдаги ҳаво ҳарорати ўзгариши сабаб бўлган бўлиши мумкин. Илик кунлар сонни кўпайгани туфайли парвозга тайёрланиш ва ёғ захирасини ошириб олиш учун кушлар ихтиёрида кўпроқ вақт бўлмоқда.

НИМА УЧУН?

Нега кушлар учбурчак шаклини ҳосил қилиб учадилар? Бу жуда оддий, узок учишларни енгиллаштириш керак. Ҳар бир куш тўғри қўшиниси ортидан учади ва унинг қанотлари ҳосил қилган ҳаво оқими ичида бўлади. Бу энергия саклашга ёрдам беради. Етакчига ҳаммасидан кўра қийинроқ, шунинг учун энг кучли ва чидамлиси етакчи бўлади.

Сапжар ДАДАЖОНОВ тайёрлади